O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 21 декабрь, чоршанба • № 101 (11.800) • Эркин нархда сотилади

## ВИЛОЯТ ДАСТУРИ МУҲОКАМАДА

**Кеча Тошкент тумани ҳокимлигида 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан йиғилиш ўтказилди. Уни Тошкент вилояти ҳокими Мирзамашрап Куччиев олиб борди.**

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вилоят, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари мудирлари ҳамда соғлиқни сақлаш бўлимларининг бош шифокорлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди.

Иштирокчилар «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да амалга оширилиши мўлжалланган вилоят дастурини ишлаб чиқиш, халқ таълими ҳамда тиббиёт ходимларига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Асосий Қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгиланганлиги, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилгани хусусида тўхталиб, олдимизда турган барча вазифаларни ечишда «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун» деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимизни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, маърузада «... ҳар қайси йилга ном беришда ҳам биз инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлашни, кўпчиликни

(Давоми 2-бетда).



## ХОРИЖ ҲАМ ЯҚИН БЎЛИБ ҚОЛДИ

Вилоят телекоммуникация тармоғи жадал ривожлантирилаяпти. Бу тадбир узоқ муддатга мўлжалланган дастурга мувофиқ амалга ошириляпти. Барча шаҳар ва туманларда аҳолига хизмат қилувчи телефон станциялари қайта тикланмоқда, зарур жойларда эса янгилари қурилмоқда. Шуни айтиш кифояки, шаҳар ва туманларда 34 мингдан зиёд абонент рақамига эга бўлган коммутацион станциялар ишга туширилди. Бу аҳоли ва халқ хўжалиги тармоқларига телефон хизмати кўрсатишни анча яхшилаш имконини берди. Янги фойдаланишга топширилган қўшимча қувватлар билан, ҳатто, курраи заминимиздаги исталган мамлакатлар билан боғланиш мумкин.

Янгийўл шаҳар телефон станциясида ҳам халқаро линиялар ишга туширилди. Шу ердан туриб, Франкфуртдаги телефон станцияси орқали Европа ва Осиёдаги 12 та мамлакат билан боғланиш мумкин. Станция мижозларга хизмат маданияти ва сифатини шу тариқа тобора яхшилаб бораяпти.

***СУРАТДА:** линия аппарати цехи муҳандиси Тўлаган Иброҳимов иш устида.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

*Ернинг эгаси эртага ким бўлади?*

## ФЕРМЕР БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

**Вилоятимиздаги ҳақиқий заминдорлар, чинакам фермерлар ҳақида гап борганда, кўпчилик Бўкадаги «Учқун», Қуйичирчиқдаги «Қутбинисс ая», Янгийўлдаги «Уфқ», Чиноздаги «Муқимий», Тошкентдаги «Тўхтаниёз ота» каби қатор фермер хўжаликлари эгаларини тилга олишади. Улар ўтган йиллар ичида ўз фаолиятлари мисолида фермерлик энг истиқболли тизим эканлигини намоён эта олдилар, тобора шаклланиб, тармоқда муайян тажриба орттирдилар, иқтисодий томондан барқарорлашдилар, энг муҳими, ўзлари ва атрофдагилар бундан наф кўрмоқда. Бир сўз билан айтганда, улар ернинг ҳақиқий эгасига айланиб улгурдилар.**

Нафақат вилоятимизда, ҳатто, мамлакатимизда ҳам яхши танилиб қолган фермерларни эсга олишимиздан муддао нима? Сезаётган бўлсангиз, бугун чор-атрофимизда фермер бўлиш ҳаракатида елиб-югураётганлар, вақтни ғанимат билиб, отни барвақтроқ қамчилаб қолишга ошиқаётганлар кўп. Улар орасида неча йиллардан бери хўжаликларда самарали меҳнат қилиб, ер билан тиллашишнинг ҳаддини олган, дўппидек ердан ҳам салобатли хирмонлар яратишга қодир бўлган қўли қадоқ деҳқонлар ҳам, нима қилиб бўлса-да, кўз остига олиб қўйган серунум, ҳосилдор ерларга эга чиқиб шахсий манфаатларига етишишга жон-жаҳди билан курашаётган шоввозларнинг ҳам борлиги табиий. Айтмоқчимизки, бугун тендерда ғолиб чиқиб, эгалик ҳисси билан ишга киришган фермер юқорида тилга олинган заминдорларнинг муносиб сафдошлари, давомчилари бўлиб, вилоятимиз фермерлари мавқеини, нуфузини янада юксакроққа кўтара олишадими?

Маълумки, Президентимизнинг шу йил 8 ноябрда қабул қилинган 215-сонли қарорига мувофиқ келаси йил вилоятимизда сурункасига зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли 50 та қишлоқ хўжалик кооперативлари негизида янги фермер хўжаликлари тузилади. Унинг саккизтаси Ўртачирчиқ туманига тўғри келади. Бу ҳисобга кирувчи «Янги турмуш», «Роватак», «Ўртасарой», «Гулистон», «Дўстлик», «Оқ олтин», «Қайтмас» ширкат хўжаликларининг умумий ер майдонлари 148 та массивга бўлиниб, тендер танловларига қўйилган.

— Айни вақтда ҳар бир массивга ўртача уч нафардан даъвогар тўғри келмоқда, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи, тугатилаётган ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш комиссияси раиси ўринбосари Комилжон Шокиров. — Аризалар қабул қилиш ҳали давом этмоқда. Талабгорларнинг янада кўпайишига, танловларнинг аниқ, ошкора, холис ва рақобат муҳитида ўтишига эришишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Дарҳақиқат, бугун тендер танловларида қонунийликни, ошкораликни таъминлаш, ҳар қандай суиистеъмолликларга чек қўйиш бу жараёнга бевосита дахлдор бўлган мутасаддилар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда кенг жамоатчиликдан янада қатъийлик ва фаоллик талаб қилади. Айниқса, жойлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари, деҳқончиликда катта тажрибага эга ширкат хўжалиги вакиллари, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг эртанги кунига бефарқ қарай олмайдиган фидойи, жонкуяр, уйғоқ ва муросасизлардан иборат жамоатчилик кенгашлари фаолиятига катта умид боғланмоқда. Бинобарин, бу галги танловларда илк бор ташкил этилаётган жамоатчилик кенгашларига катта ваколат берилиб, шу билан бирга жиддий масъулиятлар юкланган.

Айни вақтда Ўртачирчиқ туманида танловларни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий жараёнларда жамоатчилик кенгашларининг масъулияти ва фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг фаолият мезонлари, мақсад-вазифалари атрофлича тушунтирилмоқда. Айниқса, ҳудудларда истиқомат қилаётган оддий аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориб, жадаллашаётган жараён билан боғлиқ барча маълумотлар, ўзгариш ва қўшимчалар етказилмоқда. Қишлоқ марказлари ҳамда аҳоли гавжум масканларда махсус кўргазмали тарғибот ташкил этилаётгани эса, меҳнаткашларга бу борадаги ахборотлар билан атрофлича танишиш имконини бераётир.

— Уюшмамизга турли йўл-йўриқ, маслаҳат ва керакли маълумотларни сўраб мурожаат қилаётганлар кўп, — дейди фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги раҳбари Ғулом Маменов. — Бу тендер танловларида иштирок этмоқчи бўлганларнинг тобора кўпайиб бораётганлигидандир. Биз улар билан ҳамиша мулоқотда бўлиш, уларнинг мурожаатларини беэътибор қолдирмаслик учун навбатчилик асосида иш юритаяпмиз. Соҳага оид қонунчилик ва зарур маълумотлардан хабардор бўлган мутахассисларни жалб этганмиз. Хабарингиз бор, навбатдаги танловлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Уларнинг ҳаққоний ўтиши, талабгорларнинг имкониятларини баҳолаш мезонларидаги янгиликлар, қўшимча рағбат ва имтиёзлар ерларни энг аввало, чинакам деҳқонга, шу тармоқда суяги қотган оддий қишлоқ одамларига берилишига хизмат қилади.

Кези келганда, ўртачирчиқлик фемерларнинг бугунги фаолиятларига ҳам бир қур назар ташласак. Тумандаги «Турон», «Усмон», «Гулбаҳор», «Оппоқ», «Эгамберди карвон», «Нуриддин-Ф», «Валижон Фатҳиддин», «Аъзаму Шер», «Дўстлик» каби фермер хўжаликлари кўп йиллардан бери пахта ва ғаллачилик каби етакчи тармоқларда самарали деҳқончилик қилиб, яхши натижаларга эришиб келмоқда. Айнан шундай юқори марраларга эришаётган фермер хўжаликларининг салмоқли ҳиссаси билан туманда бу йил пахта ва ғалла сотиш бўйича шартнома мажбуриятлари адо этилди. Бироқ, бу ерда ҳам фермер деган шарафли номга адашиб, ҳайбаракаллачиларнинг кўмаги билан эга бўлиб қолганлар ҳам борки, бу ҳол соҳада етарли муаммолар борлигини кўрсатади. Туман фермерларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 48 фоиз атрофида. Бу бошқа илғор туманлар ва ёки мамлакат миқёсидаги вазият билан солиштирганда анча камдир. Хусусан, туманда ўтган бир-икки йил ичида ташкил этилган «Абдуқаюм», «Тонг», «Ҳикматилла Ҳурматой», Қодир Қозоқбоев, Унгарбой Абдуқодиров номли фермер хўжаликлари бебаҳо бойлик, бениҳоя имкониятлар берувчи ердан ножоиз фойдаланганликлари, эл-юрт ризқ-рўзи тақдирига панжа ортидан қараганликлари боис ўзларига билдирилган ишончни оқлай олмадилар, масъулиятни унутдилар ва оқибатда тегишли идоралар томонидан маъмурий жавобгарликка тортилмоқдалар.

Сирасини айтганда, бугун фермер бўлиш осон эмас. Унинг эл-юрт, жамият манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган масъулияти, залвори бор. Қарс икки қўлдан, дейишади. Ана шу масъулиятни бугун тендер танловларига мутасаддилик қилаётганлар ҳам, яхши ният ва истаклар билан фермерлик учун ҳалол курашишга чоғланганлар ҳам унутмасликлари лозим. Ана шундагина ер ҳақиқий эгасини топади, алал-оқибат бундан эл-юрт ҳам наф кўради.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*

## МАҚСАДИМИЗ — БЕМОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

**Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодиёт, маориф, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш соҳаларида кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг саломатлигини сақлаш изчил тус олди. Соҳани босқичма-босқич ислоҳ қилиш, шифокорлар меҳнатига унинг натижаларига қараб баҳо бериш ва рағбатлантириш ҳамиша давлатимиз раҳбариятининг диққат марказида бўлиб келмоқда.**

Сўнгги йилларда кўп шифохоналар қурилиб, таъмирланиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда. Ходимларнинг малакалари ошириляпти. Уларнинг ўз касбларига бўлган муносабатлари тубдан ўзгариб, билим ҳамда тажрибаларини инсон соғлиғини тиклашга қаратишни кучайтириш талаб этилмоқда. Шу асосда тиббиёт ходимлари моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимизнинг тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори бу борада янги қадам бўлди. Унга биноан 2006 йилнинг январь ойидан бошлаб тиббиёт ходимларининг ойлик тариф ставкасини такомиллаштириш, уларга малакаси, бажарадиган ишининг мураккаблиги, билим ва тажрибаси ҳамда даволашга қўшаётган ҳиссаларини инобатга олган ҳолда маош белгилаш ва рағбатлантириш тизимини жорий этиб, янги мезонлар асосида уларнинг иш ҳақи миқдорини 30 фоизга ошириш кўзда тутилган.

Президентимиз «Сиҳат-саломатлик йили» дастурининг ижросини таъминлаш бўйича шу йилнинг 1 ноябригача 165 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланганини таъкидлаб, бу йўналишдаги ишларни давом эттириш мақсадида 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилди. Бу эътибор бизни тиббий хизмат даражасини янада кўтаришга руҳлантираяпти.

Бизнинг шифохонамиз сил касалликларини даволашга ихтисослашган. Сил хасталиги ўта юқумли бўлиб, ер юзида кўп тарқалган. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда дунёда 20 миллионга яқин киши сил касаллиги билан хасталанган. Уларнинг 7 миллиони хавфли — атрофдаги соғ одамларга сил касаллигини юқтириш манбаи бўлиб хизмат қилади. Ҳар йили янгидан 3,5 миллион киши бу дардга чалинади. Беморларнинг 1 миллионга яқини эса шу дард туфайли ҳаётдан кўз юмади. Бу касаллик, айниқса, Африка, Яқин Шарқ ҳамда турмуш даражаси ниҳоятда паст бўлган давлатлар ҳудудларида кенг авж олган. Унинг кенг тарқалишига асосий сабаблар кўп. Айниқса, камқонлик, ифлосланган сув манбалари, инсон жисми учун зарур бўлган қувватли, тўйимли овқатларнинг етишмаслиги, тўйиб овқатланмаслик шулар жумласидандир. Асосийси тиббиёт тизимининг айрим давлатларда ниҳоятда паст даражада эканлиги бу касаллик кўп тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бундан кўриниб турибдики, сил касаллиги жаҳон миқёсида

(Давоми 2-бетда).

*Бу ҳақда сессияда гапирилган эди*

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг қатор асосий йўналишлари белгиланган. Уларнинг энг муҳимларидан бири иқтисодиётнинг барча тармоқларига хорижий инвесторларни иложи борича кенгроқ жалб қилишдир. Шу сабабли бу жараённи ҳар томонлама рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун қулай шароитлар яратилмоқда. Шу мақсадда давлат сиёсати шаклланди ва унга қатъий амал қилинмоқда. Бу ўз самарасини беряпти.**

## СОНДА БОР, САЛМОҚДА ЙЎҚ

Бутун мамлакатда бўлганидек, Тошкент вилоятига ҳам чет эл инвестициялари тобора кенг кириб келаяпти. Бу сиёсатнинг афзалликлари ва моҳиятини тушунган хорижий сармоядорлар маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қизиқмоқдалар. Уларнинг, айниқса, қўшма корхоналар бунёд этишдаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор.

Вилоятимизда рўйхатдан ўтган қўшма корхоналар 225 тага етди. Уларнинг аксарияти бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг мураккаб шароитларида барқарор ишламоқда. Ўз маҳсулотлари билан ички бозорни бойитмоқда. Айримлари эса импорт ўрнини босадиган буюмлар ишлаб чиқаришга эришмоқда.

Лекин, вилоятимизда яхши ниятлар билан хорижий инвесторларни жалб қилиб, ҳамкорликда барпо этилган қўшма корхоналарнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек фаолият кўрсатмаяпти. Ҳатто, юлдуз кўрмай жон берганлари ҳам йўқ эмас. Республикамиз Президенти халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бу масалага алоҳида тўхталиб, шундай деди: «Умуман, вилоятда хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган 225 та корхонадан 43 таси фаолият кўрсатмаётгани ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди».

Не-не машаққатлар эвазига барпо этилган хорижий инвестицияли қўшма корхоналарнинг сал кам бешдан бир қисми ишламай, бекор тургани афсусланарли ҳолдир, албатта. Улар қаторида етакчи тадбиркорлик тузилмаларининг борлиги янада ачинарлидир. «Медиз», «Ўзмедкоттон», «Чинозтўқимачи», «Паллада Восток», «Каолин» каби ишлаб чиқаришларнинг оқсаётганлигини ҳеч қандай сабаб билан изоҳлаб бўлмайди. Уларнинг бундай аҳволга тушиб қолишларининг асосий сабаби айланма маблағ ҳамда хом ашёнинг етишмаслигидир. Оқибатда бу субъектлар тўлиқ қувват билан ишламаяпти. Ваҳоланки, бу жамоалар қўлидан чиқаётган бир марта фойдаланиладиган шприцлар, тиббиёт пахтаси, калава ва трикотаж, упаэлик маҳсулотларига ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам талаблар доим бўлади. Эътиборсизлик, режасиз иш, айрим ҳолларда хафсаласизлик шунга олиб келди. Буни олдиндан пайқаш ва олдини олиш зарур эди. Маҳаллий ҳокимият органлари, мутасадди ташкилот ва корхоналар раҳбарлари эса, бунинг ўрнига ўзибўларчиликка берилдилар.

(Давоми 2-бетда).

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

## ЧЕВАРЛАР ТАНЛОВГА ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА

**Олмаликда 50 дан зиёд аёл уйда миллий ҳунармандчиликнинг асосий турлари — каштачилик, зардўзлик, миллий либослар тикиш билан шуғулланади.**

Бу ерда йилнинг ҳар чорагида «Чеварлар танлови» ўтказиб турилади. Ўтган чоракда Зарифа Турсунованинг зардўзлик ишлари, Озода Каримова тиккан ироқи ва қўқон дўппилар, Марҳамат Тожибоева, Камола Собирова тайёрлаган миллий либослар ва бошқа маҳсулотлар энг сара ва сифатли деб топилди.

Айни пайтда чеварлар бу беллашувнинг охирги босқичи — «Йилнинг энг яхши чевари» кўрик-танловига тайёргарлик кўрмоқдалар.

**Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.**

*Истеъмолчи:*

## ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТЛАНГАН

**Бугунги кунда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлаш учун хизмат қилувчи ҳар қандай имконият истеъмолчи учун асосий манба ҳисобланади.**

Яшаётган уйимиз, электр, газ, сув, қолаверса, бозордаги барча моллар истеъмолчилар учун яратилади. Аммо, истеъмол молларининг турлари, уларнинг сифати ҳақида ҳамиша ижобий фикр билдириш қийин. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда вилоят ҳокимининг шу ҳақдаги қарорларининг жойлардаги ижроси масаласига бағишлаб «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясида» мавзусида Оҳангарон туманида ўтказилган семинар-тренингда шу ҳақда сўз борди. Тадбирда истеъмолчилар — маҳалла, уй-жой мулкдорлари, ширкатлар, корхона, ташкилот, таълим муассасалари ходимлари, савдо, транспорт ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, таянч гуруҳлари аъзолари иштирок этишди.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## АЁЛЛАР СЕМИНАРИ

**Оҳангарон туманида JICA халқаро агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда фермер аёлларни қўллаб-қувватлаш мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда вилоят ҳокимининг фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш дастурининг ижросини таъминлаш борасидаги қарори мазмунидан келиб чиққан ҳолда тадбиркор, хусусан, фермер аёлларни қизиқтирган савол-жавоблар ва баҳс-мунозара тарзида ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЁШЛАР ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗЛАБ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ тумани кенгаши томонидан «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, турли муаммоларни ечишга кўмаклашиш, кам таъминланган оила фарзандларига ёрдам кўрсатиш юзасидан бир қатор хайрия тадбирлари амалга оширилмоқда.**

Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида ҳеч қаерда ўқимай ва ишламай юрган 11 нафар ёшлар туман қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежида ҳамда «Ал-ансор» ўқув курсида касб-ҳунарга ўқитилди. Бунинг учун жами 228 минг сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон болалар, воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳисобида турган ўсмирлардан 26 нафарига 270 минг сўмлик мактаб дарсликлари ҳамда ўқув қуроллари совға қилинди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

Тошкент вилояти деҳқонлари Янги йил байрами арафасида пойтахт аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида шаҳар бозорларида савдо-ярмаркалари ташкил этмоқда.

# ОНА ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ – ШАҲАРЛИКЛАРГА

– Шу кунга қадар пойтахтимизнинг Миробод, Бектемир деҳқон бозорлари ва уларнинг ўндан ортиқ шохобчаларида ташкил этилган савдо-ярмаркаларига саккиз юз тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилди, – дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи М.Айхўжаев. – Тошкент, Қибрай, Чиноз, Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлиқ каби қатор туманлардан келтирилаётган картошка, пиёз, узум, гўшт, асал ҳамда қайта ишланган консерва маҳсулотлари нархи арзонлиги ва юқори сифати билан шаҳар аҳолисига манзур бўлмоқда.

Вилоят ҳокимлиги эса ўз маҳсулотлари билан савдо-ярмаркасида қатнашаётган деҳқонларни ётоқхона, транспорт воситалари билан таъминламоқда.

Бундай ярмаркалар вилоятнинг саноат шаҳарлари ва туман марказларида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# САХОВАТНИНГ САРҲАДИ ЙЎҚ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият" маърузасини ўрганиш ва унда илгари сурилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга бағишлаб ташкил этилган ушбу анжуманда академия профессор-ўқитувчилари, тингловчилари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Академия ректори Қ.Назаров, профессор Н.Комилов ва бошқалар Юртбошимиз ташаббуси билан 2006 йилнинг – Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши халқимиз, жумладан, ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат фазилатларини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, мазкур соҳадаги фидойи инсонлар меҳнатини рағбатлантиришда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидладилар.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Давлат мукофотига номзодлар*

# ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

**Ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган жамиятимиз тараққиётида бунёдкор, изланувчан ёшларимизнинг ўрни беқиёс. Айниқса, мустақиллик йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этган иқтидорли ёшлар ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги яхши анъанага айланди. Жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилганлиги, мана олти йилдирки, иқтидорли қизларимизнинг баланд парвозига имкон яратмоқда.**



Давлатимизнинг юксак мукофотига номзодларни саралаш учун ўтказилаётган танловларда муваффақият қозониб, республика босқичига йўлланма олган етук қизлар орасида Тошкент вилояти Давлат педагогика институти хорижий тиллар факультетининг тўртинчи босқич талабаси, ангренлик Насиба Юсупова ҳам бор. Оиладаги беш фарзанднинг кенжаси бўлган Насиба ҳаётини зиёга бахш этган фахрий устозлар — отаси Қурбонбой Юсупов, онаси Ҳалимахон Юсуповаларнинг эзгу ишларини давом эттиришга аҳд қилган.

— Отам тарих фанлари номзоди, доцент, ҳали ҳам изланишдан чарчамайдилар, — дейди Насиба. — Тарих фанига бўлган қизиқиш отажонимга ўхшашга интилганимдан бўлса, онажонимнинг хуш каломи, она тили ва адабиёт фанига бўлган ҳурмат, эътиқоди мени шеъриятга ошно этди. Лекин, инглиз тили ўзининг жозибаси билан, халқаро муомаладаги алоҳида ўрни билан қалбимда ўзгача меҳр уйғотди. Ҳали мактабда ўқиётган пайтларимдаёқ (Ангрендаги 25-умумтаълим мактаби) устозимиз Норпошшо Хотамова раҳбарлигидаги «Friends in the ship» яъни «Кемадаги ўртоқлар» тўгарагига қатнашиш, ҳар бир машғулот, инглиз тилида шеър, қўшиқлар, турли саҳна кўринишларини ижро этиш жуда ҳам қизиқарли эди...

Кейинчалик, у Ангрен педагогика лицейида, Тошкент вилояти Давлат педагогика институтида инглиз, немис, рус тилларини пухта ўзлаштириш асносида талабаларнинг илмий-амалий конференцияларида фаол иштирок этди, маърузалар қилди.

«Меҳр-мурувватлилик — инсонпарварликнинг кўрсаткичи сифатида» (фалсафа), «TV in Life» («Телевидениенинг ҳаётимизда тутган ўрни»), «How learners hearn» («Ўқувчилар қандай билим олишади?»), «Луғат билан ишлаш кўникмасини шакллантириш» каби илмий мақолалари ҳакамлар ҳайъати томонидан яхши баҳоланди. Насиба устози Гулбаҳор Сармонованинг талабчанлиги, жонкуярлиги, меҳр-оқибати ҳақида тўлқинланиб сўзлайди.

— Инглиз халқининг қайси намоёндасини яхши биласиз ёки асарларини ўқигансиз? — сўраймиз ундан.

— Мен инглиз ёзувчиси Марк Твен ижодига қизиқаман. Асарларини инглиз тилида ўқийман, —дейди Насиба. — «Том Сойернинг саргузаштлари»ни бир неча бор ўқиб чиққанман.

Насиба Юсупованинг ёзган шеърлари, илмий ишлари маҳаллий матбуот нашрларида чоп этилганлиги изланишларининг зое кетмаётганидан далолатдир. У 2004 йилда Навоий номли давлат стипендиясига муносиб деб топилди. Насибанинг келажакдаги орзулари, режалари бисёр.

— Мустақил Ўзбекистоннинг, она-Ватанимнинг, ота-онамнинг муносиб фарзанди бўла олсам, Ватаним, она диёримнинг довруғини оламга ёйишга заррача бўлса-да, ҳиссамни қўшсам, — дейди Насиба.

Тўғри, Насибанинг олдида ҳали забт этилмаган довонлар бор. Ана шу довонлардан сабот-матонат, қатъият билан ўта олишига тилакдошмиз.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилояти навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида кўрсатиб ўтилган камчиликларга барҳам бериш мақсадида вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан чора-тадбирлар белгиланиб, барча шаҳар, туманлардаги маҳаллаларга етказилди ҳамда ижроси назоратга олинди.**

# ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Аҳоли орасида газ, сув, электр энергиясидан оқилона фойдаланиш ва коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш бўйича тарғибот ишларига маҳалла оқсоқоллари бошқош бўлмоқда. Айниқса, ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи — коммунал тўловлар бўйича қарздорлик муаммосини ҳал этиш борасида Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Тошкент, Қибрай, Зангиота, Бўка, Қуйичирчиқ, Паркент туманларидаги маҳаллаларда ибратли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш, ариқ-зовурларни тозалашни ташкил этиш бўйича маҳаллаларда ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда. Олиб борилаётган ишлар ҳар куни таҳлил қилиниб, камчиликлар бартараф этилмоқда. Маҳаллалар аҳолиси ободонлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

**Мастура ҚОРАБОЕВА,**
**вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси бош мутахассиси.**

*Нодавлат ташкилотларда*

# ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ — МУҲИМ ОМИЛ

**Ҳеч бир кун йўққи, дунёнинг у ёки бу чеккасида бирор фалокат ёки табиий офат содир бўлганлиги тўғрисидаги хабарни эшитмайлик.**

Бундай ҳодисалар кўпинча одамлар қурбон бўлишига сабаб бўлмоқда, кишиларнинг ҳаётига жиддий хавф солмоқда. Афсуски, бундай йўқотишларнинг асосий сабабларидан бири фавқулодда вазиятларда одамлар тўғри ҳаракат қилишнинг энг оддий қоидаларини билмасликлари оқибатидир. Шу сабаб, фавқулодда вазиятларга аҳолининг пухта тайёрланганлиги ва бу борада уларнинг тўлиқ ахборотга эга эканлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти «Инсонийлик» республика ўқув-услубий марказида «Фавқулодда вазиятларга аҳолини ва мактаб ўқувчиларини тайёрлаш ҳамда биринчи ёрдам кўрсатиш» мавзусида уч кунлик ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Уни жамиятнинг Тошкент вилояти кенгаши ташкил этди. Малакали мутахассислар машғулотлар давомида тингловчиларга фавқулодда вазиятлар тўғрисида асосий тушунчалар бериб, вужудга келган ҳолатни баҳолаш ва бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида батафсил тўхталиб ўтдилар. Тингловчилар фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларини эгаллаб, назарий ва амалий билим олдилар.

Шунингдек, ўқув-машғулот жараёнида бугунги кунда инсон ҳаётига жиддий хавф туғдираётган ОИТС касаллиги ҳақида маърузалар тингланди. Ушбу касалликнинг олдини олишда биргаликда курашиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирнинг учинчи кунида иштирокчилар Оҳангарон туманидаги Сусам қишлоғига ташриф буюришди. Бу ерда тингловчиларга табиий офатлар, хусусан, зилзила, ёнғин ва сув тошқини юз берган ҳолатда муҳофаза чоралари ҳамда ҳаракатланиш қоидалари ўргатилиб, аҳолига бошпана бериш, тоза ичимлик суви таъминоти ва тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳам кўникмалар сингдирилди. Шунингдек, фавқулодда вазиятларда қидирув ишларини ташкил этиш, азият чекканларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш юзасидан амалий машғулотлар ўтилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Olamda nima gap?

### КОБУЛДАГИ САЙЛОВЛАР



Афғонистон пойтахтида янги парламент палаталарининг биринчи қўшма сессияси бўлиб ўтди. Унда юқори палатадан 249 нафар депутат ҳамда қуйи палатанинг 102 аъзоси қасамёд қилди.

Парламент сессияси муносабати билан Кобулда хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Чунки "Толибон" ҳаракати жангарилари қасамёд маросимида хунрезликлар амалга оширилишини эълон қилган эди.

Кузатувчилар Афғонистонда демократик тамойиллар асосида тузилган янги парламентнинг фаолият бошлаши нафақат ушбу мамлакат, балки минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидламоқда.

### БОЛИВИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ



Якшанба куни Боливияда президент сайлови ўтказилди. Дастлабки натижаларга кўра, унда сўл қанот вакили Эво Моралес ғалаба қозонган. Унга сайловчиларнинг 45 фоизи хайрихоҳлик билдирган. Э. Моралеснинг рақиби – собиқ президент Хорхе Кироги эса 37 фоиз овоз тўплаган, холос.

Бироқ қонунга кўра, сайловда ғалаба қозониш учун камида 50 фоиз тўплаш керак. Акс ҳолда, бўлажак президент парламент хулосаси асосида сайланади. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, Э.Моралес керакли миқдорда овоз тўплай ололмаганига қарамай, президент курсисини эгаллаган.

### ТЕРРОРГА ҚАРШИ ОПЕРАЦИЯ



**Покистоннинг Балужистон вилоятида жангариларга қарши ҳарбий операция ўтказилди. Хабарларга кўра, унда Покистон чегара қўшинларининг икки мингга яқин аскари қатнашган.**

**Операция давомида жангариларга тегишли бир неча лагер йўқ қилинди. Шунингдек, қурол-яроғ омбори фош этилди.**

**Ўтган ҳафта президент Парвез Мушаррафнинг ушбу вилоятга ташрифи чоғида террорчилар томонидан қатор қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилган эди. Шундан сўнг мамлакат хавфсизлик идоралари ушбу жиноятга алоқадорликда гумон қилинган бир неча кишини ҳибсга олди. Мазкур операцияга ҳам ўша хунрезликлар сабаб бўлгани таъкидланмоқда.**

**ЎзА.**

# ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

**Юртимизда «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» тадбирларини ўтказиш анъанага айланган. Вилоятимиз шаҳар ва туманларида шу йилнинг 14 декабридан 2006 йилнинг 14 январига қадар ойлик тадбирларни ўтказишга киришилди.**





Жумладан, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ангрен шаҳар автомобиль мактабида оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлигининг бошланишига бағишланган тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари она-юрт тинчлигини эъзозлай билиши инсон қадр-қиммати ҳамда халқ фаровонлигини ошириш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритишди.

***СУРАТЛАРДА:*** *тадбирдан лавҳалар.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# САВДОГА МАРҲАМАТ!

| Т/р | Қарздор ташкилотнинг номи | Автомашина русуми | Ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами, техник ҳолати | Бошланғич нархи кимошди савдоси ўтказиладиган жой | Кимошди савдоси ўтказиладиган кун ва соати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | О. Йўлдошев ширкат хўжалиги | МТЗ-80 | 1983 й Д-240, давлат рақами 23-11 ТИ носоз ҳолда | 500000 сўм Судлар Департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бўлими Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй | 21.01.2006 йил соат 10.00 да |
| 2. | О. Йўлдошев ширкат хўжалиги | МТЗ-80 | 1983 й Д-240, давлат рақами 23-09 ТИ носоз ҳолда | 400000 сўм Судлар Департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бўлими Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй | 21.01.2006 йил соат 10.00 да |
| 3. | О. Йўлдошев ширкат хўжалиги | МТЗ-80 | 1982 й Д-240, давлат рақами 21-07 ТИ носоз ҳолда | 600000 сўм Судлар Департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бўлими Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй | 21.01.2006 йил соат 10.00 да |
| 4. | О. Йўлдошев ширкат хўжалиги | Т-28х4м | 1977 й Д-37Е, давлат рақами 23-14 ТИ носоз ҳолда | 500000 сўм Судлар Департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бўлими Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй | 21.01.2006 йил соат 10.00 да |

Кимошди савдосида қатнашувчилар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаларини кимошди савдосида қатнашиш истагини билдирган юридик шахс ва фуқаролар автотранспорт воситаларини бошланғич нархининг 10 фоиз миқдорида Бўка тумани, Пахтабанк Бўка туман бўлимидаги 20203000504112059016, ИНН: 200435742, МФО: 00463-сонли депозит ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аризаларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишидан уч кун олдин тўхтатилади.
**Мурожаат учун телефонлар:** 8-257-35742, 152-73-43.

# ХАВФЛИ «ЎЙИНЧОҚ»

**Бозор иқтисоди шароитида харидоргир маҳсулотларни пуллаб, мўмай даромад топиш ғамида югуриб юрганлар беҳисоб. Аммо, пул топаман деб, кўпинча болаларнинг саломатлигини хавф остига қўяётган ишбилармонларга нима дейиш мумкин?**

Ногаҳон, шундай пиротехник моддали портловчи ўйинчоқ билан савдо қилаётган кишининг сўзлари қулоғимизга чалинди:

— Мана бу еридан тортасану уни отиб, ўзинг қочаверасан, болам. Зўр томоша бўлади-да, ўзиям!

Бу кўпни кўрган кекса отахоннинг сўзлари. Қизиқ, агар қочолмай қолса-чи? Эътибор беринг-а, у болаларга нимани раво кўраяпти. Ахир, ўз фарзандлари, набиралари ҳам шу матоҳни ўйнамайди, деб ким айта олади? Воқеани кузатиб турган икки аёл ўзаро шивир-шивир қилишар, лекин ҳурмат юзасиданми, отахонга лом-мим дейишмасди.

— Ҳой, овсинжон, шу «пақилдоқ»ни деб тунов куни бир кекса киши оламдан ўтибди.

— Э, нимасини айтасиз, шу зормандани деб қанча одам азият чекяпти. Ана, бир танишимнинг ўғли шу ўйинчоқни ўйнайман, деб қўлидан ажраб ўтирибди.

Шу кунларда Янги йил тадориги авжида. Байрамнинг кўнгилдагидек ўтиши, нохушликлардан холи бўлиши учун айниқса, катталар огоҳ бўлиши лозим. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг 2005 йил 24 ноябрдаги «Вилоятда янги йил байрами тантаналарини ўтказиш даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишида ҳам аниқ кўрсатмалар берилган. Унга кўра, «ҳудудда жойлашган савдо шахобчалари, дўконлар, бозорлар ва турғун шахобчаларда сертификати бўлмаган барча турдаги пиротехника маҳсулотлари сотилиши, ўқув муассасалари ва боғчаларда портловчи пиротехника маҳсулотларидан фойдаланиш тақиқланади».

**Сайёра ЭШМАТОВА.**


# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**«Respublika Ko`chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» Сизларни 2006 йил 24 январь соат 12.00 да «Respublika Ko`chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

**1.** Қибрай тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида деҳқон хўжалиги учун сотилиши белгиланган, Қибрай тумани, "Турон" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,06 гектар бўлган 8 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 238 600 сўм.**

Шунингдек, аввалги аукцион савдоларида сотилган ва харидорлар сотиб олишдан бош тортганлиги сабабли, қуйидаги ер майдонлари бўйича ҳам ушбу савдоларга чиқарилади:

— «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба хўжалиги «Олмазор» бўлимида жойлашган 41-сонли ер майдони.

**Бошланғич баҳоси — 43 500 сўм.**

— «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба хўжалиги «Пахтазор» бўлимида жойлашган 88, 59, 60, 95, 96, 107, 108-сонли ер майдонлари.

**Бошланғич баҳоси — 43 500 сўм.**

— Паркент тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида шахсий ёрдамчи хўжалиги юритиш учун сотилиши белгиланган, Паркент тумани, «Кумушкон» ёпиқ акциядорлик жамиятига қарашли, сатҳи 0,06 гектар бўлган ер майдони.

**Бошланғич баҳоси — 78 672 сўм.**

— Паркент тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида шахсий уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Паркент тумани, «Бойқозон» ширкат хўжалигида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган ер майдони.

**Бошланғич баҳоси — 78 672 сўм.**

**2.** «КОНВИН» Ўзбек-Америка қўшма корхонасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

| № | Русуми | Тури | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | КАВЗ 685М | автобус | 11 AV 652 | 1986 | 1503205 |
| 2 | ГАЗ-5204 | махсус/ёқилғи ташувчи | 11 AT 231 | 1987 | 779995,13 |
| 3 | ВАЗ-21074 | енгил | 11 AF 259 | 1992 | 595764 |
| 4 | ГАЗ-53 | махсус/юк ташувчи | 18-70 ТШМ | 1984 | 1471524 |
| 5 | КАЗ-608 В2 | юк тортувчи | 27-53 ТШП | 1987 | 805408,5 |
| 6 | ГЗСА-950 | юк | 99-84 ТШС | 1990 | 1253838 |
| 7 | ПАЗ-37421 | юк | 73-49 ТШП | 1987 | 847782,37 |
| 8 | ВАЗ-2107 | енгил | 00-06 ТША | 1992 | 595764 |
| 9 | ЗИЛ-131 | юк | 95-93 ТШС | 1990 | 781754,51 |
| 10 | ОДАЗ-885 | тиркама | 24-54 ТШ | 1987 | 415997,4 |
| 11 | ОДАЗ-9357 | тиркама | 77-05 ТШ | 1988 | 346664,5 |
| 12 | Т-28 х 4 МАС | трактор | 16-35 ЕД | 1986 | 1008267 |

Сотувга қўйилган ер майдонлари сотилмаган тақдирда 2006 йил 31 январь ва 7, 14, 21, 28 февраль кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига ўтказилади.

Ер майдонлари савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

Автотранспорт воситаси савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

**«Respublika Ko`chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»**

**Сизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат корхоналари, объектлари ва улушлари бўйича ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимларида ўтказиладиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф этади!**

**Савдоларга 2005 йил 30 декабрдан қуйидаги давлат объекти қўйилади:**

1. «Кичкинтой» ОАЖга қарашли Янгийўл шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 494,0 кв.м.га тенг бўлган болалар боғчаси.

**Бошланғич баҳоси – 11893,4 АҚШ доллари (объект учун тўлов ЎзР МБнинг сотув кунидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади).**

Биржа савдосига қўйилган Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган қуйидаги объектларга 2005 йил 23 декабрдан бошланғич баҳосини босқичма-босқич пасайиш механизми қўлланиши давом эттирилади:

| Т. р | Объект номи, балансда ушлаб турувчи | Манзили | Бошланғич баҳоси | 2005 йил 21 декабрга баҳоси | Валюта тури |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Олмалиқ ДОЗ» МЧЖнинг устав жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши | Олмалиқ шаҳри | 76116540 | 19029140 | сўм |
| 2. | «SHARQIY QURAMA» ОАЖга қарашли чойхона биноси ва унинг мол-мулклари | Оҳангарон тумани | 19336330 | 4841600 | сўм |
| 3. | Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологиясига қарашли, умумий майдони 7347,8 кв.м.га тенг бўлган «Сунъий иқлим яратиш лаборатория корпуси» | Қибрай тумани | 177984300 | 60909000 | сўм |
| 4. | «Аммофос» ОАЖга қарашли «Ёрдамчи хўжалик» таркибига кирувчи «Чўчқахона фермаси» | Пскент тумани | 243636110 | 124588990 | сўм |

**Имкониятингизни бой берманг!**

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Телефонлар:** 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, **факс:** 133-43-73.

